Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 10 декабрь, № 239 (5406) Шанба

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

МУҚАДДАС ДАРГОҲ ЭЪЗОЗИ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилдилар. Янги йилнинг бундай номлангани юртдошларимизни беҳад қувонтирди. Зеро, халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас даргоҳ деб билади. Шу боис уни қадрлайди, жонажон Ватанини севгандек, оилани ҳам алоҳида меҳр ва муҳаббат билан эъзозлайди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

“Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади”, деб ёзади Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида.

Бугун инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар туб мазмун-моҳиятига кўра, аҳолининг турмуши фаровон, ҳаётдан мамнун бўлиб яшашига хизмат қилмоқда. Тинч-тотув, бугуни кечаги кундан, эртаси эса бугунидан яхши кечишига қатъий ишонган юртда оилалар мустаҳкам бўлиши, шубҳасиз. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугун қилаётган ишларимизнинг барчаси фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш барчамизнинг бурчимиздир. Шу маънода, ўзидан кўра фарзандини ўйлайдиган, болам-чақам, оилам, деб ҳар доим эзгу ниятлар билан яшайдиган халқмиз. Ўз ўрнида бундай юксак хислатлар ҳеч қачон завол топмаслигини истаймиз.

(Давоми 2-бетда).

10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллик тарихига назар ташласак, Президентимиз раҳнамолигида қўлга киритилган улкан муваффақиятлар, зафарлар гавдаланади. Ўзбекистон бугун ўз тараққиёт йўлида шаҳдам қадам ташлаб, барқарор тараққий этмоқда, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, маърифий соҳаларда мислсиз янгиланишларни босқичма-босқич ҳаётга жорий қилаётир.

ИСТИҚЛОЛ ВА ҒУРУР ТАРАННУМИ

Фахру ифтихор бахш этадигани, кўз ўнгимизда одамлар онгу тафаккури, ҳаёти ўзгариб, эртанги кунга ишончи ортмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, халқимиз бугун жаҳон ҳамжамиятини ўз меҳнати, шижоати, сира ҳам ортга қайтмайдиган юксалишнинг “ўзбек модели” билан жаҳонни ҳайратга солиб, бунёдкорлик салоҳиятини намоён этаётир...

Ҳар гал спортчиларимиз эришган ғалабалар, жамият ҳаётида бўлаётган сиёсий-ижтимоий воқеалар шарафига давлатимиз мадҳияси янграганда, қалбимизни эзгу туйғулар қамраб олади. Зеро, унинг ҳар бир сатрида тарихимиз, орзу-умидларимиз, интилишларимиз мужассам.

Мадҳия нафақат шон-шараф, балки давлат мустақиллиги рамзи, аждодларимизга садоқат, келажакка ишонч тимсоли ҳамдир. Шу боис Президентимиз мустақилликнинг илк йиллариданоқ давлат рамзларини ишлаб чиқиш масаласига алоҳида эътибор бердилар. Давлат мадҳиясига Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлиги, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулияти, давлатчилигимиз ривожининг тарихий тажрибаси, маънавий ва маданий мероси, тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашдек эзгу мақсадлар сингдирилди.

Президентимиз бошчилигида мадҳиямиз кенг жамоатчилик, зиёлилар, халқимизнинг бевосита иштирокида ишлаб чиқилди — 1992 йил 10 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчи эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов сўзи, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Мутал Бурҳонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямиз ўтган давр мобайнида ҳар бир ҳамюртимиз қалбидан чуқур жой олиб, миллий ғуруримизга, халқимиз ички дунёсининг мустаҳкам асосига айланди. Унда серқуёш заминимиз, ҳурлигимиз — озодлигимиз, халқимиз улуғлиги, аждодлар руҳи ҳар бир ишимизда ёр экани куйланади.

Бугун мадҳиямиз садолари Президентимиз турли давлатларга расмий ташриф буюрганида, нуфузли халқаро ташкилотлар минбарига кўтарилганида, мамлакатимизга келган олий мартабали меҳмонларни кутиб олиш чоғида, юртимиз вакиллари иштирок этаётган халқаро миқёсдаги тадбирлар ва спорт мусобақаларида янграб, қалбимизни алоҳида фахру ифтихорга тўлдиради.

Дарҳақиқат, мадҳиямиз жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, униб-ўсиб келаётган авлодни миллий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром, она-Ватанга муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялашда алоҳида ўрин тутади.

Халқимизнинг Улуғвор қўшиғи — мадҳиямиз вужудимизга она сути, алласи ва улуғ аждодларимиз ўгити билан кирган теран миллий қудрат, мустаҳкам иродани эслатиб туради. Бу мустақиллигимизни кўз қорачиғимиздек асрашга, уни янада мустаҳкамлашга, бугунги эркин ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етишга, унинг янада зиёда бўлиши учун ҳар кун ғайрат-шижоат кўрсатишга ундайди.

Қобил ХИДИРОВ.

Тадбир

Аёл зотини улуғлаш, унинг жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини ошириш ва энг муҳими, оналар саломатлигини асраш масаласи юртимизда келажак фаровонлигини таъминлаш йўлидаги устувор вазифалардан саналади.

ОИЛА ҚЎРҒОНИНИНГ ҲАМ ЧИРОЙИ, ҲАМ ЧАРОҒБОНИ

Шу боис айни пайтда мамлакатимиз миқёсида аёлларнинг фарзанд тарбияси билан шуғулланиш асносида жамиятнинг фаол аъзоси сифатида илм-фан ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилаётир. Бу борада, айниқса, давлатимиз томонидан қабул қилинган тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида бўлиб ўтган навбатдаги семинарда ҳам шу хусусда сўз борди. Хотин-қизлар қўмиталарининг бошланғич ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва маънавий муҳитни соғломлаштиришда жамоатчилик иштирокини кучайтириш мавзуига бағишланган мазкур тадбирда жойларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар қўмиталари раислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда оналик ва болалик муҳофазаси, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва маънавий манфаатларини ҳимоялаш борасида эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

халқимизнинг кечиримлилик ва инсонпарварлик каби фазилатларининг ёрқин ифодасидир

Маълумки, шу йилнинг 5-6 декабрь кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида Президентимиз тақдимномасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Шунингдек, ушбу Қарорнинг қўлланиш тартиби ҳам маъқулланди.

Сенатда маъқулланган

Дарҳақиқат, амнистия халқимизга хос азалий қадриятлар саналмиш кечиримлилик, бағрикенглик, инсонпарварлик намунаси бўлиб, юртимизда жамият ва давлат ҳаётидаги муҳим саналар ёки байрамлар арафасида бундай ҳужжатни қабул қилиш анъанага айланган. Қолаверса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида ўз аксини топган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига асосан, амнистия акти инсонпарварлик ёндашувига яққол далил ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан

Халқимиз азалдан меҳнаткаш, меҳр-оқибатли, бағрикенг эл сифатида таърифланади. Мана шундай олижаноб фазилатлар мустақиллик туфайли янада жилоланмоқда. Яъни “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, деган эзгу ғояни қалбининг энг тўрига жойлаган юртдошларимиз мамлакат равнақи, келажак авлод саодати йўлида астойдил меҳнат қилиб, юксак фидойилик намуналарини кўрсатмоқдалар.

САДОҚАТ, МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

Фидойилик деган сўзни бежиз тилга олганимиз йўқ. Бундай хислатлар катта ҳаётга шижоат билан кириб келаётган, илм ўрганиб, ўз иқтидорини ҳар жабҳада кўрсатишга интилаётган ўғил-қизларимиз фаолиятида ҳам намоён бўлаётир. Масалан, ёшларимиз миллий армиямиз сафларида хизмат қилишни ўзларининг энг муқаддас бурчи, шарафли вазифаси, деб биладилар. Болаликданоқ ҳарбийлик либосини кийишни, “Ватан ҳимоячиси” деган улуғ номга сазовор бўлишни орзу қиладилар. Бундан қувонмай, фахрланмай бўладими? Бу мамлакатимизда ўтган йигирма йил давомида Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, юртимиз мудофаа қудратини ошириш, жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда қад ростлаган “Ватанга қасамёд” ҳайкали ҳам юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга бел боғлаган фидойи ўғлонлар шарафига қўйилган бетакрор обидадир.

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги пайтларда нафақат Ўзбекистон ва Тожикистон, балки бошқа давлатларнинг ҳам етакчи оммавий ахборот воситаларида “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси фаолиятининг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига таъсири хусусида турлича ёндашувлар баён этилган мақолалар тез-тез кўзга ташланмоқда. Бунга, энг аввало, Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолларининг 2010 йил март ва июль ойларида Сурхондарё вилоятида ушбу корхона ишлаб чиқаришининг минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳаётига, экологиясига зарарли таъсирига қарши ўтказган оммавий тадбирлари туртки бўлиб хизмат қилмоқда, десак, асло муболаға бўлмайди.

ЭКОЛОГИК ФОЖИА ЎЧОҒИ

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг энг жанубий вилояти — Сурхондарёнинг кўплаб туманларини қамраб олган ҳақиқий экологик фожиа айнан ушбу корхонанинг “самарали фаолияти” билан боғлиқ. Аввалларида энг гўзал маскан ҳисобланган бу воҳанинг шимолий ҳудудларида, афсуски, чақалоқларнинг майиб-мажруҳ бўлиб туғилиши кузатилмоқда. Соғлом деганларининг ҳам суяклари мўрт. Гап шундаки, болажонлар ҳатто сакраб ўйнаганларида қўллари ёки оёқлари синаётган ҳолатлар тез-тез содир бўлмоқдаки, ачиниб кетасан, киши. Қисқаси, Тожикистон алюминий заводи мўриларидан чиқаётган заҳарли газ бўлмиш фторли водород ва бошқа кимёвий бирикмалар, энг аввало, инсонлар умрига зомин бўлаётир.

Бундай ачинарли ҳолат Сурхондарё вилоятидаги кенг жамоатчиликни, хусусан, Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолларини бефарқ қолдиргани йўқ. Улар 2010-2011 йилларда “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонасининг табиатга ва инсон саломатлигига зарарли фаолиятига қарши бош кўтариб, митинг ва намойишлар ўтказдилар. Уларнинг адолатли талабларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати қўллаб-қувватлади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги ўнлаб интернет сайтлари, ахборот агентликлари эса Экоҳаракат фаолларининг ҳақли талаблари акс этган 10 мингдан ортиқ хабар ва мақолаларни эълон қилди. Ушбу талаблар асосида БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНЕПга Мурожаатнома қабул қилинди. 2011 йилнинг 6 сентябрь куни Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари 757 минг нафардан зиёд сурхондарёликлар имзо чеккан ушбу Мурожаатномани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига топширди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаоллари бежиз халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилишмади. Чунки Тожикистон раҳбарлари ва мутасадди ташкилотлари вакиллари Турсунзода шаҳридаги алюминий ишлаб чиқариш корхонасида атроф-муҳитга заҳарли газлар чиқаришни камайтириш учун сўнгги йилларда қандай чоралар кўрилганлиги ҳақидаги бирор бир аниқ маълумот ва рақамларни келтирмасдан, корхонанинг экологик зарарсиз эканлиги ҳақида айёҳаннос солиб, табиатни ифлослантиришда давом этдилар. Бу ҳам етмаганидек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг халқаро ҳамжамиятга Мурожаатномасидан сўнг “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси матбуот хизмати раҳбари Игорь Сатторов “Ўзбек экологларининг даъволари асоссиз. Улар айтаётган зарарни ҳисоблаб чиқиш учун биз улар билан ҳамкорлик қилишимиз керак. Халқаро амалиётга кўра, икки қўшни мамлакат мутахассислари биргаликда бу зарарларни ҳисоблаб, аниқлаб чиқиши лозим. Афсуски, бунга ўзбек экологлари рози бўлмаяптилар”, дея бир қатор оммавий ахборот воситаларига баёнот берди. Аслида эса, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташкил бўлгандан буён ўтган қарийб уч ярим йил давомида “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси томонидан ўзбек экологларига бундай таклиф тушганлигини умуман эслай олмаймиз ва Игорь Сатторовнинг мазкур баёноти эса бошқаларни чалғитишга хизмат қилувчи қуруқ ёлғондан иборат, деб ҳисоблаймиз.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Экологик ҳаракати “асоссиз даъво”ларга барҳам бериш ва ушбу масаладаги икки томонлама муносабатларга шаффофлик киритиш мақсадида “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси фаолиятининг ҳам атроф-муҳитга, ҳам инсон саломатлигига таъсирини биргаликда ўрганиб, таҳлил қилиш ташаббуси билан чиққан ҳолда, ушбу корхона раҳбариятига 2011 йилнинг 9 сентябрида ва такроран 14 октябрда расман мурожаат қилди. Бироқ орадан икки ойдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, бу мурожаатларга умуман жавоб олинмади. Фақатгина 2011 йил охирига келиб, “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси бошқарувчи директори Садриддин Шариповдан жавоб хати келди.

Бундан аввал “Биз Ўзбекистон томонига бир неча бор корхонамиз фаолиятининг атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига таъсирини биргаликда ўрганайлик, деб мурожаат қилдик, аммо умуман бунга жавоб берилмади”, дея бутун дунёга жар солган мазкур корхона раҳбарларининг хатимизга жавобидаги фикрлар бизни ҳайратга солди. Эмишки, **“Тожикистон алюминий компанияси” давлат корхонаси ҳисобланади. Шу муносабат билан корхонанинг атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги фаолиятини яхшилаш, трансчегаравий таъсири масалаларини баҳолаш ва муҳокама қилиш бўйича бизнинг таклифларимиз Тожикистон Республикаси ҳукуматига тақдим этилди. Тожикистон ва Ўзбекистон корхоналари фаолиятининг атроф-муҳитга трансчегаравий таъсири масалаларини муҳокама қилиш борасидаги бизнинг ва сизнинг таклифларингиз бўйича қарор қабул қилиш икки давлат ҳукумат тизимлари ваколатига киради.”** Ана, холос. Бир неча ой давомида корхонаси фаолиятининг трансчегаравий таъсирини биргаликда ўрганайлик, дея айёҳаннос солганлар энди ўзбекистонлик эколог-ларнинг яхши ниятдаги таклифларини рад этиш учун қойилмақом баҳона топишганини қаранг!

Аслида, бу алюминийнинг халқаро савдосида “жарақ-жарақ пул топаман” деган хомхаёл билан, ҳам ўз мамлакати, ҳам қўшни давлат аҳолиси бошига заҳар пуркаётганлар бугун энди бошқаларни чалғитишга уринишлари улар кимларнингдир қўлида қўғирчоқ эканликларидан ёрқин далолат бермайдими? Шундай экан, бу жаноблар “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонасининг атроф-муҳитга у ёки бу даражадаги таъсирини камайтириш масаласида ҳеч қандай ваколатга эга эмас. Улар фақат ва фақат қандай бўлмасин, қайси йўл билан бўлмасин, корхонада алюминий ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун жон куйдиришга мажбурдирлар. Акс ҳолда, уларнинг ҳаёти ҳам алюминий ишлаб чиқарилиши жараёнида атроф-муҳитга ажралиб чиқадиган фторли водород ва бошқа заҳарли кимёвий бирикмаларга ўхшаб қолиши мумкин. Чунки экологик таназзул ўчоғидаги ҳар қандай фаолият худди шундай аянчли ҳамда фожиали якун топиши, шубҳасиз.

Муносабат

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ёнма-ён яшаётганлигини, икки халқни минг-минг йиллик азалий қадриятлар, урф-одатлар эт билан тирноқдек бирлаштириб турганлигини назарда тутсак, Турсунзода шаҳридаги алюминий корхонаси фаолиятини инсон саломатлигига ва она-табиатимизга зарарсиз ҳолатга келтириш юзасидан фикрларимизни бир жойга жамлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бундай хайрли, керак бўлса, савобли ишдан Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар ҳеч қачон четда қолишмайди.

Шундай экан, минтақамизда янги экологик фожиа ўчоғи ҳеч кимга керак эмас. Бундай фожиага сабаб бўлиши муқаррар бўлган корхонани зудлик билан экологик тоза технологияга ўтказиш зарур, холос. Бунинг учун шахсий ҳиссиётларни йиғиштириб, фақатгина бир гуруҳ кишилар наф кўришига чек қўйиб, соғлом фикр, соғлом идрок, қатъий журъат, ташаббускорликка йўл бериш фойдадан холи эмас. Ўзбекистонликлар бундай ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрдирлар. Ана шундагина икки халқ бошига заҳар ёғилмайди, аксинча, уларнинг дастурхонига қут-барака киради. Оналаримиз ва фарзандларимиз соғлом бўладилар. Энг асосийси, минтақамизда вужудга келиш хавфи тобора кучаяётган янги экологик фожианинг олди олинади.

Тожиддин ҚАМАРОВ,
Ўзбекистон Экологик ҳаракати Матбуот хизмати раҳбари.

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Қарши шаҳрида Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

Унда вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг директорлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Китобда миллий истиқлолга эришиш, демократик давлат барпо этиш йўлида узоқни кўзлаб олиб борилган халқчил сиёсат, мустақиллик ўз-ўзидан, осонлик билан қўлга киритилмагани, эски тузум даврида сиёсий курашлар авж олган, парокандалик кучайган, эртанги кунга халқнинг ишончи йўқолган мураккаб бир пайтда Ислом Каримовнинг эскича ёндашувлардан воз кечиб, янги ғоялар, тамойиллар асосида иш юритгани, бу жараёнда жасорат намуналарини кўрсатгани асосли далиллар, ёрқин ҳаётий мисоллар воситасида баён этилгани таъкидланди.

— Мустақиллигимиз тарихини ўрганишда, бу мавзуда илмий ишлар ёзишда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобига қайта-қайта мурожаат этилиши шубҳасиз, — дейди Қарши давлат университетининг умумтаълим фанлари кафедраси мудири Поён Равшанов. — Чунки мазкур китоб истиқлолимиз тарихини ўрганиш ва яратиш борасида энг ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда тарихий аҳамиятга молик ушбу китобни жамиятимиз ижтимоий тафаккурини юксалтириш нуқтаи назаридан теран тадқиқ этиш, китобда баён этилган ғоя ва қарашларни Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ф. ХОЛМИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири.

МУҚАДДАС ДАРГОҲ ЭЪЗОЗИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Оиланинг мустаҳкамлиги, бахтли ҳаёт, аввало, турмуш қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига бориб тақалади. Бинобарин, мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борадаги ишлар янги йилда янада кенг кўлам касб этади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, уларни уй-жой билан таъминлаш учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамият масъулдир.

Эркин ва демократик жамият қуриш йўлида дадил одимлаётган буюк мамлакатимизда оилани мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ғоя ва ташаббуслар замирида улкан мазмун-моҳият мужассам. Зеро, бугун Ер юзида турлича қарашлар ва муносабатлар пайдо бўлмоқдаки, уларнинг аксарияти бузғунчиликка йўғрилган. Моддий манфаатдорликни ҳамма нарсадан устун қўядиган, ҳар бир дақиқани пулга чақадиган одамлар, ҳатто, мамлакату жамиятлар ҳам йўқ эмас. Бундай қарашлар эса, табиийки, ёшлар тарбияси, маънавиятига салбий таъсир ўтказмоқда. Ҳаммамиз кўриб, билиб турибмизки, айрим Ғарб мамлакатларида битта жинс вакилларининг “оила қуриши”, ўн беш, ўн олти ёшдан ўтиб-ўтмаган қизларнинг чекиш, ичишга ружу қўйиши, мактаб ёшидаги йигитчаларнинг махсус колонияларда “ахлоқий тузалиши” авж олмоқда. Биз бундай ҳолатга дуч келиш у ёқда турсин, бу ҳақда эшитганда ҳам сесканиб, ёқасига туфлаб қўядиган халқмиз. Шунинг учун бўлса керак, мамлакатимизда нафақат ўзбек, шу билан бирга, турли миллат ва элатларнинг аҳил-иноқ яшаётгани, тинчлик ва хотиржамлик, осойишталик, эришаётган ютуқларимиз оилалардаги соғлом маънавий муҳит туфайлидир.

Инсон бахтли яшаши керак, мабодо бахтсиз экан, бунга унинг ўзи айбдор, деган эди ижодкорлардан бири. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида бахтимиз учун, оила мустаҳкамлиги учун беқиёс ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Эзгуликка хизмат қиладиган, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида учрамайдиган бундай тамойил эса юртимизда ҳар бир кишини, ҳар бир оилани фароғатда яшаш саодатига ундамоқда.

Ҳафиза МАМАДАЛИЕВА,
Республика «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари вазифасини бажарувчи.

АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

халқимизнинг кечиримлилик ва инсонпарварлик каби фазилатларининг ёрқин ифодасидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Энг муҳими, бу тартиб жиноят содир этган шахснинг нормал турмуш шароитига қайтишига ҳамда ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишига кенг имконият яратади.

Амнистия фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигини кўрсатувчи муҳим рағбатлантирувчи ҳужжат ҳисобланади. Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллик байрами муносабати билан чиқарилган амнистия тўғрисидаги қарор кечиримлилик, бағрикенглик каби миллий қадриятларимизнинг инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият сифатида эъзозланиши билан ўзаро уйғунлашиб кетганлигидан далолатдир. Қолаверса, мазкур ҳужжат юртимизда олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этувчи инсонпарварлик тамойилининг ёрқин кўринишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарорида, биринчи навбатда, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар ҳамда чет давлат фуқаролари жазодан озод қилиниши назарда тутилган. Бу давлатимиз олиб бораётган инсонпарвар сиёсатнинг, тарихий қарашларимизнинг ҳосиласи, албатта. Қолаверса, юртимизда азал-азалдан кексалар, аёллар ва ёшлар ҳурмат ва иззатда бўлганлигини, кечиримлилик, бағрикенглик ҳамда инсонпарварлик каби миллий хусусиятларимиз қонимизга, руҳиятимизга сингиб кетганлигидан дарак беради.

Амнистия тўғрисидаги қарорга мувофиқ, узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган, ўта хавфли рецидивист деб топилган, жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган, шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, ўта оғир жиноят содир этган, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар ҳам жазодан озод қилиниши амнистия тўғрисидаги актда ўз ифодасини топган. Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириб, уч ой мобайнида ижро этилишини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида қайд этилганидек, Сенат ялпи мажлисида амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланиш тартиби ҳам тасдиқланди. Унга кўра, мазкур қарор таъсирига тушган шахсларга тегишли жиноят ишлари ва материаллар судлар томонидан ҳал этилади.

Амнистия актининг қўлланиш тартибида тартиб-таомиллар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан амнистия актини қўллашда эътибор берилиши зарур бўлган процессуал ҳамда моддий қонун ҳужжатларидаги нормаларни қўллаш билан боғлиқ жараён белгилаб берилган. Хусусан, мазкур акт юқорида тоифалари кўрсатилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишларга ҳам татбиқ қилиниши алоҳида қайд этилган.

Амнистия акти қўлланилиши, бу борада ошкораликни таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари фаол иштирок этиши назарда тутилган. Шунингдек, жазодан озод этилаётган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ҳамда ҳимоясига қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишига қаратилган мақсадли тадбирларни амалга ошириш белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мамлакатимиз замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш йўлида дадил илдамлаб бормоқда. Амнистия тўғрисидаги қарор ҳам ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мос бўлиб, юртимизда инсон ва унинг манфаатлари юксак даражада қадрланишини, жиноят йўлига адашиб кириб қолган шахсларга тўғри йўлни танлашга имкон бериш асосий мақсад эканлигини кўрсатади.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи.

ОИЛА ҚЎРҒОНИНИНГ ҲАМ ЧИРОЙИ, ҲАМ ЧАРОҒБОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунинг самараси ўлароқ, бугунги кунда фан, таълим, соғлиқни сақлаш, диний маърифат, санъат, маданият ва спорт соҳаларида опа-сингилларимиз муваффақиятли натижалар, ҳавас қилса арзигулик ютуқларга эришаётир. Жойларда репродуктив саломатликни асраш, ёш оилаларнинг тиббий маданият даражасини юксалтириш, шунингдек, қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирларни эса алоҳида эътироф этиш жоиз.

Табиийки, ушбу долзарб вазифаларни бажаришда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталарининг 42 мингга яқин бошланғич ташкилотлари фаол қатнашмоқда.

— Бизнинг ҳудуддаги ҳар бир бошланғич ташкилот тиббий муассасалар, маҳалла идоралари, ёшлар тузилмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан доимий ҳамкорликда иш олиб боради, — дейди Нукус шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Нурлепесова. — Яқинда “Меҳр нури” жамғармаси билан ҳамкорликда “Миллий қадриятларга эҳтиром” мавзуида қадимий ҳунар турларига қизиқувчи хотин-қизлар учун маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Бундан ташқари, “Соғлом оилани шакллантириш”, “Иқтидорли қизлар клуби”, “Ораста қизлар” сингари лойиҳалар ҳам борки, бу, айниқса, ёш қизларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, улар орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Анжуманда эришилган шу каби ижобий натижалар хусусида сўз юритилиши билан бир қаторда галдаги муҳим вазифалар ҳам тилга олинди. Шундан сўнг мутахассислар тизимдаги долзарб масалалар ва уларнинг ечими бўйича фикр-мулоҳаза ҳамда таклифларини билдирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

М. ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё томонларда

Қишда мева мўл бўлади

Сариосиё туманидаги “Хонжиза-савдо-Сервис” масъулияти чекланган жамияти томонидан 350 тонна сиғимга эга мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш омборхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Вилоятда жорий йилда жами бўлиб қуввати 6750 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қишда сақлашга мўлжалланган иншоотлар барпо этилди.

Янги линия ишга туширилди

Қизириқ туманидаги “Сурхон колбаса” хусусий корхонасида йилига 20 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги линия ишга туширилди.

Мазкур лойиҳани амалга оширишга 50 миллион сўм сарфланди.

Сурхондарё вилоятида жорий йилнинг 9 ойи ичида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 482 та кичик корхона фаолият юрита бошлади.

Қўшимча тармоқ

Сурхондарё вилоятида жорий йилда паррандачиликка ихтисослаштирилган 65 та хўжалик ташкил этилиб, 333 та иш ўрни яратилди.

Узун туманидаги “Бегзод Зокир Саркор” хусусий корхонасида ҳам 300 миллион сўм эвазига паррандачилик тармоғи фаолият кўрсата бошлади. Ҳозир бу ерда бройлер товуқлар парвариш қилинмоқда. 10 кишилик жамоа ҳар ойда ички бозорга 160 миллион сўмликка ча маҳсулот етказиб бераётир.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

САДОҚАТ, МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари айтиб ўтганидек, “...бу муҳташам бадиий мажмуада тасвирланган халқимизнинг муносиб ўғлони давлатимизнинг бетакрор тимсоли бўлмиш байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боболаримиз ҳоки ётган қутлуғ заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилмоқда.

Ана шу мард ва жасур фарзандга оқ сут берган, бағрида кўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар она бамисоли ўз қўрғони олдида туриб, ҳарбий хизматга отланган жондан азиз боласига оқ фотиҳа бериб, унга оқ йўл тиламоқда”.

Ёш авлодни миллий ғоя руҳида, фидойи ва матонатли ўғлонлар этиб тарбиялашда маънавий ибрат бўлиб хизмат қиладиган ушбу бетакрор мажмуа бугун халқимизнинг энг муқаддас масканларидан бирига айланган. Бу ерга юртимизнинг турли ҳудудларидан кўплаб зиёратчилар келади. Улар орасида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим даргоҳлари талабалари, олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, жамоатчилик вакилларини учратиш мумкин.

— 1992 йил 14 январда мустақил давлатимиз тарихидаги муҳим воқеа — республикамиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди, — дейди Яккасарой туманидаги 172-умумтаълим мактабининг ҳарбийлаштирилган-спорт синфлари катта тарбиячиси Муҳитдин Исмоилов. — Юртбошимизнинг ана шу шижоати, мардлиги, оқилона сиёсатини ёш ватанпарварлар — ўқувчиларимизга доимо сўзлаб берамиз. Бу улардаги фахр ва ғурур ҳиссини янада оширишга хизмат қилаяпти.

Президентимизнинг “Ватанга қасамёд” ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги сўзини ҳам барчамиз катта қизиқиш, ҳаяжон билан тинглаган эдик. Ушанда ушбу бетакрор монументга, албатта, ўқувчиларимни ҳам олиб келаман, деб ният қилгандим. Жуда кўп бор ташриф буюрдик. Бизга бу ерни зиёрат қилиш ўзига хос анъанага ҳам айланиб улгурди. Ёшларимиз ҳар гал “Ватанга қасамёд” ҳайкали пойидан катта таассурот билан қайтишади. Муқаддас байроғимиз, мўътабар она ва мард ўғлон тасвири жуда таъсирчан ифодаланган. Монументга сингдирилган мазмун-моҳиятни юракдан ҳис қилган келажак авлод қалбида шу муқаддас заминга муносиб бўлиш ҳисси уйғониши, шубҳасиз.

— Бугун барчамиз шуни ғурур билан айта оламизки, Ўзбекистон замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, юртимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган ўз миллий армиясига эга, — дейди шартнома бўйича хизмат оддий аскари Мансур Аҳмедов. — Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз мудофаа тизимини мустаҳкамлаш йўлида улкан тарихий ишлар қилинди. Хусусан, қўшинларнинг тузилиши ва жанговар таркиби, ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгарди. Офицер ва сержант кадрларни ўқитиш, малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизими вужудга келди. Шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни тайёрлаш тизими ҳам тубдан ўзгармоқда. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланиши, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг жорий этилиши, чақирувнинг йилда бир марта ташкил этилаётгани ҳарбий бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини кучайтиришга замин яратди.

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Биз, ҳарбийларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маиший шароитимизни яхшилаш масаласига ҳам доимо устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Шунга муносиб бўлиш, қасамёдимизга содиқ қолиш она-юрт олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

— Ҳар гал пойтахтимизга келиб, диққатга сазовор жойларни айланганимизда, “Ватанга қасамёд” ҳайкалини ҳам зиёрат қиламиз ва бир олам таассурот билан қайтамиз, — дейди Косонсой туманининг Қўқумбой қишлоғида истиқомат қилувчи Икромжон Аҳмедов. — Ўзимга ўзим “Фарзандларимни ҳам, албатта, бу ерга олиб келаман”, дея ният қилгандим. Мана, бир қизим, икки ўғлим билан бирга келдик. Катта қизиқиш билан томоша қилишди. Бу обида кишидаги ватанпарварлик туйғусини янада юксалтиради, қалбларни ғурурга тўлдиради.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲИНДИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикасининг Деҳлидаги элчихонасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ҳиндистоннинг етакчи сайёҳлик компанияларидан бири — “Le Passage to India Tours and Travels” (TUI) билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

Тақдимот маросимида Ҳиндистон томонидан “Cox and Kings”, “SOTC”, “Salvia”, “VRS International”, “CM Holidays”, “Aeeroworld Aviation India” ҳамда Ўзбекистон томонидан “DeExplore”, “Dolores Travels”, “Давр Тур”, “Континент тур”, “Сайрам Туризм” сингари номдор сайёҳлик компаниялари ва агентликларининг вакиллари қатнашди. Шунингдек, Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил, маданий-гуманитар ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳам мазкур тадбирга таклиф этилди.

Маросимни очар экан, мамлакатимиз дипломатия ваколатхонасининг раҳбари Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганига атрофлича тўхталди. Шу боисдан ҳам кўҳна ва бой тарихга, гўзаллиқда бетакрор маҳобатли қадимий шаҳарларга, улар бағрида жойлашган кўплаб тарихий осориатиқаларга, гўзал тўрт фаслни ўзида мужассам этган иқлимга, ривожланган транспорт ҳамда меҳмонхона инфратузилмаси, шунингдек, юқори даражада кўрсатиладиган сервисга эга бўлган мамлакатимиз жаҳон сайёҳлик бозоридаги мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Айнан шу омиллар Ўзбекистоннинг ҳиндистонликлар учун ҳам севимли сайёҳлик йўналишларидан бири бўлиб қолишига хизмат қилаётир.

Мамлакатимиз элчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил май ойида Ҳиндистонга буюрган давлат ташрифи икки мамлакатнинг сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлиги ривожига ҳам янги туртки берганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, ушбу ташриф доирасида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ва Ҳиндистоннинг сайёҳликни ривожлантириш бўйича корпорацияси ўртасида Қўшма саъй-ҳаракатлар режаси имзоланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, томонлар сайёҳлик соҳасида, хусусан, ҳар икки мамлакат ҳудудида сайёҳлик офисларини очиш, авиақатновлар сонини ошириш ҳамда соҳа мутахассисларини тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олдилар.

Биз ва жаҳон

Мамлакатимиз дипломатия ваколатхонасининг раҳбари Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг 2011 йилги сайёҳлик ҳамкорлиги мавзуига тўхталар экан, жорий йилда юртимизга ҳинд заминидан 13 минг нафардан зиёд сайёҳ келганини ва йил охирига бориб бу кўрсаткич 15 минг нафардан ошиши кутилаётганини маълум қилди.

“Le Passage to India Tours and Travels” сайёҳлик компаниясининг вице-президенти Шад Сиддикининг билдиришича, мазкур компания Ҳиндистон сайёҳлик бозорида кўп йиллардан буён Ўзбекистонни, унинг бой сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этиб келаётир.

— Биз ишончли, хавфсиз, барча тоифадаги мижозлар учун сайёҳликнинг турли қирралари мавжуд бўлган, хизмат кўрсатишнинг юқори даражасини ўзида мужассам этган янги йўналишларни кўп йил қидирган эдик, — деди ҳиндистонлик вакил. — Ўзбекистон ана шундай жиҳатлари билан истагимизга мос келди. Биз, асосан, корпоратив мижозлар билан ишлаймиз. Охирги йиллар мобайнида Ўзбекистонга “IBM”, “Infosys”, “Samsung”, “Philips” ва бошқа кўзга кўринган компаниялар вакилларидан иборат бир неча сайёҳлар гуруҳини юбордик. Қувонарлиси шундаки, барча мижозларимиз юртингиздан аъло кайфият ва яхши таассуротлар билан Ҳиндистонга қайтдилар.

“Aeeroworld Aviation India” сайёҳлик компаниясининг раҳбари Нагараджан Пиллаининг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги сайёҳлик алоқалари шитоб билан ривожланиб бормоқда.

“Биз кўп йиллардан буён мамлакатингиз билан яқин ҳамкорликда ишлаб келмоқдамиз. Айтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон сайёҳлик бозоридан муносиб ўрин эгаллаш ниятидаги ҳинд сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳақиқий рақобат муҳити кузатилмоқда. Чунки Ўзбекистон — жаҳон сайёҳлик соҳасининг яқин келажакдаги етакчиларидан, ҳиндистонлик сайёҳлар учун энг жозибадор йўналишлардан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида қатнайдиган ҳаво кемаларининг тўла ҳолда учаётгани бунинг яққол исботидир. Шу ўринда авиайўловчиларнинг 95 фоизи ҳиндистонлик сайёҳлар эканлигини алоҳида қайд этишни истар эдим”, деди Н. Пиллаи.

Тадбирда сўзга чиққан таниқли ҳинд санъатшуноси, “Сарасвати” мусиқа коллежининг раҳбари Бал Рам Саини ҳам ўзбекистонлик касбдошлари билан узоқ йиллардан буён яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганини айтди.

— Ўзбекистон менинг иккинчи Ватанимга айланган, — деди у. — Мамлакатингизда хорижлик бизнесменлар учун ҳам, сайёҳлар учун ҳам ажойиб шарт-шароитлар яратилган. Шу боис юртингизга боришни истайдиган ҳиндистонликлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳинд компаниялари Ўзбекистоннинг сайёҳлик маркази сифатидаги салоҳиятини теран англайди, деб ўйлайман. Шахсий тажрибамдан келиб чиққан ҳолда, айтишим мумкинки, Ўзбекистон йилнинг барча фаслларида ҳам мафтункордир. Мен Ўзбекистонга тез-тез бориб тураман ва ҳар сафар оила аъзоларим ҳамда яқинларимни ҳам ўзим билан бирга боришга таклиф қиламан. Ўзбекистон — нафақат гўзал тарихий шаҳарларга, балки ажойиб табиат манзараларига, турфа маданият ва санъатга, ўзига хос ҳамда бетакрор меҳмондўстликка, ҳинд халқига катта қизиқиш ва ҳурмат билан қарайдиган самимий, чинакам зиёли ҳамда бағрикенг халқига эга бўлган мамлакатдир.

Шунингдек, тадбир давомида Ўзбекистон сайёҳлик компанияларининг вакиллари ўз чиқишларида нафақат ўзбек-ҳинд ҳамкорлиги, балки юртимизда сайёҳлик соҳаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва унинг истиқболлари мавзуи борасида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини тақдимот иштирокчилари билан ўртоқлашдилар.

«Жаҳон» АА.
Деҳли

ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 838,8 ▼ -6,3 | УН биринчи нав 640,0 ▲ +15,0 | УН иккинчи нав 583,5 ▼ -1,1 | ПАХТА ЁҒИ 2008,9 ▲ +76,5 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 220,6 ▼-0,07

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида банк-молия тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилашга, энг асосийси, уларнинг капиталлашув даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада банкларнинг фаолияти замон талаблари даражасида йўлга қўйилаётгани туфайли улар иқтисодиётимиз реал секторини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи асосий манбага айланиб бораяпти. Бу, ўз навбатида, халқимиз фаровонлигини оширишга йўналтирилган истиқболли лойиҳаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш имконини бераётир.

«Агробанк»:
КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ БАРҚАРОРЛАШМОҚДА

Дарҳақиқат, иқтисодиётимизнинг жадал суръатларда тараққий этишида инвесторлар учун қулай муҳит яратиб берилгани, хўжалик юритувчи субъектларга турли имтиёзларнинг қўлланилаётгани муҳим аҳамият касб этаяпти. Буни инвесторлар томонидан етакчи тармоқларни ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадлари учун йўналтирилаётган сармоялар ҳажми муттасил ошиб бораётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда ўша йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги фармонлари бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатимиздаги йирик молия муассасаларидан бири — “Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилаётгани, айниқса, таҳсинга лойиқ. Гап шундаки, ушбу банк сармоялари иқтисодий ночор корхоналарни қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга жалб қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, банкрот корхоналар фаолиятини қўшимча инвестициялар киритиш, замонавий бошқарув усулларини татбиқ этиш орқали изга солиш, янги иш ўринларини яратиш имконини бераётир.

Шу маънода, Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, “тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга моликдир”.

Республикамиз банкларига берилган бундай юқори баҳо “Агробанк” ОАТБ жамоасига ҳам тегишлидир. Нега деганда, банк жамоаси иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Айниқса, “Агробанк” тасарруфида инвестицион компания таъсис этилгани унинг балансига киритилган корхоналарни самарали бошқариш, уларда бозор талабларига мос ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда айни муддао бўлаётир. Ҳозирги вақтда мазкур компания томонидан тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, паррандачилик, иссиқхона хўжалиги, терини қайта ишлаш, агротехник хизмат кўрсатиш ва бошқа муҳим йўналишларга ихтисослаштирилган корхоналарда самарали бошқарув тизими жорий этилгани ана шундан далолат беради.

Қиёслаш учун маълумот. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида “Агробанк” балансига 11 иқтисодий ночор корхона ўтказилган эди. Банк томонидан уларга 31,5 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилиши натижасида бу ердаги манзара бутунлай ижобий томонга ўзгарди. Чунки сармоялар, энг аввало, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, бино ва иншоотларни қайта реконструкция қилиш ишларига йўналтирилди. Пировардида ушбу корхоналар хорижнинг замонавий ва юқори унумли технологик линиялари билан жиҳозлангани туфайли уларда 600 дан ортиқ иш ўринлари яратилгач, шунча ишчи-хизматчиларнинг қадрдон иш жойига қайтиши таъминланди.

Эътиборлиси, банк кўмагида фаолият кўрсатишга лаёқатли бўлган, аввалгига қараганда технологик жиҳатдан самарали ишлайдиган корхоналар салоҳиятли инвесторлар эътиборини ўзига тортмоқда. Айни пайтга қадар қайта тикланган 6 та корхона янги сармоядорларга сотилгани бунинг яққол далилидир.

Фарғона вилоятидаги “Текстижен” масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Мазкур корхонага улар томонидан 700 миллион сўм миқдорида қўшимча инвестиция киритилиши туфайли ишлаб чиқариш суръати кескин ошди. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани, шундан 2,3 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилингани бунинг ёрқин далилидир.

Мухтасар айтганда, “Агробанк”нинг молиявий кўмагида фаолияти қайта тикланган корхоналар томонидан ўтган давр давомида жами 17,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 5,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспортга йўналтирилгани кимнинг ҳавасини келтирмайди, дейсиз?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги “2010 — 2012 йилларда Қўқон шаҳрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ҳам банк томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Кўнчи” акциядорлик жамияти 2009 йил 31 декабрда тугатиш қийматида банк балансига қабул қилинган эди. Унинг негизида “Премиум Лизер” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилгач, нафақат корхонанинг ташқи қиёфаси, балки ишлаб чиқариш қуввати ҳам ошиб, маҳсулот сифати эса тубдан яхшиланди.

Бизнес-режага мувофиқ, бу корхонада йилига 50 миллион дм кв. терини қайта ишлаш кўзда тутилган эди. Бунга эришиш мақсадида ҳозирги кунгача жами 12,4 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди. Айни чоғда жамиятда енгил автомобиллар учун ўриндиқ қопламалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшма корхонани ташкил қилиш лойиҳаси устида изланишлар олиб борилаяпти.

Кўриниб турибдики, Президентимиз ташаббуси билан банкрот корхоналарни соғломлаштириш бўйича яратилган механизм иқтисодиётнинг жадал суръатларда ривожланишига, унинг реал секторига янги инвесторларни жалб этишга, энг асосийси, аҳоли бандлиги даражасини оширишга, пировардида халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаяпти. Шуни ҳисобга олиб, тижорат банклари банкрот корхоналарни қайта тиклаш ишларига бундан кейин ҳам энг муҳим йўналишлардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратаверади.

«Агробанк» ОАТБ матбуот хизмати.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг (НМИУ) 2010 йил 19 февралдаги 10-сонли ва 2011 йил 17 июндаги 11-сонли буйруқларига асосан, Чўлпон номидаги НМИУга тегишли, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

*** «ПАЗ-672» русумли, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВВ 403 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 987 401 сўм.**

*** «ГАЗ-52» русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВВ 402 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 136 827 сўм.**

Аукцион савдоси 2011 йил 26 декабрь куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2011 йил 23 декабрь куни соат 18.00.

Юқоридаги мулк 2011 йил 26 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2011 йил 28 ва 30 декабрь кунлари соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2011 йил 28 декабрдаги такрорий савдо учун 2011 йил 26 декабрь куни соат 18.00; 30 декабрдаги савдо учун 27 декабрь куни соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй.

1664R/1371

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2010 йил 23 декабрдаги 7563-65/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 19-даҳа, 12-уй, 166-хонадонда жойлашган, умумий майдони 98,66 кв.м. бўлган, 4 та яшаш хонаси, ҳужра, ошхона, ҳожатхона, ҳаммом ва айвондан иборат уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 97 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 11 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 9 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

Лицензия: RR-0001.

16638/773

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006 ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Мичурин дала ҳовличилари» ҳудудида жойлашган 67-сонли дала ҳовли арзонлаштирилган ҳолда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 240 546 671,85 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2011 йил 22 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

Лицензия: RR-0001.

16689/773

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

2011 йил учун стажёр-тадқиқотчи-изланувчи лавозимига қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

05.01.01 — Амалий геометрия ва муҳандислик графикаси — 1 ўрин.
05.20.01 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш технологиялари — 2 ўрин.
05.20.02 — Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини электрлаштириш — 1 ўрин.
05.23.07 — Гидротехника ва мелиорация қурилиши — 1 ўрин.
05.23.16 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси — 1 ўрин.
06.01.02 — Мелиорация ва суғорма деҳқончилик — 3 ўрин.
08.00.04 — Агросаноат мажмуи иқтисодиёти — 3 ўрин.
13.00.08 — Ҳунар таълими назарияси ва услубиёти — 1 ўрин.
11.00.11 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — 1 ўрин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, Илмий ва амалий тадқиқот маркази. Телефонлар: (8-371) 237-09-46, 237-19-61.

1558R/1333

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сирдарё минтақавий филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2012 йил 10 январь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри «Бизнес маркази» биносининг мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаменти Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлимлари томонидан қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилмоқда:

Мирзаобод тумани суд ижрочилар бўлими томонидан:

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2009 йил 23 декабрдаги ижро варақасига асосан, қарзни ундириш эвазига хатланган, Мирзаобод тумани, Янги ҳаёт қўрғонида жойлашган, «Чан Чин» ИЧСФга тегишли бўлган қуйидаги таъмирталаб ҳолдаги бино ва иншоотлар:

1. 0001-литердаги идора биноси, қурилиш майдони — 480,40 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 326 951 233,13 сўм.***
2. 0002-литердаги омборхона биноси, қурилиш майдони — 2782,78 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 889 605 669,30 сўм.***
3. 0003-литердаги бостирма биноси, қурилиш майдони — 69,75 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 7 093 564,45 сўм.***
4. 0004-литердаги устахона биноси, қурилиш майдони — 1474,26 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 258 606 200,37 сўм.***
5. 0006-литердаги омборхона биноси, қурилиш майдони — 759,2 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 313 379 383,38 сўм.***
6. 0007-литердаги ем тайёрлаш биноси, қурилиш майдони — 228,84 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 153 506 580,10 сўм.***
7. 0010-литердаги инкубатор биноси, қурилиш майдони — 1363,08 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 316 539 058,38 сўм.***
8. 0012-литердаги қозонхона биноси, қурилиш майдони — 684,85 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 219 593 256,64 сўм.***
9. 0013-литердаги ҳожатхона биноси, қурилиш майдони — 10,53 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 5 859 617,95 сўм.***
10. 0014-литердаги ўтиш биноси, қурилиш майдони — 41,79 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 12 518 814,11 сўм.***
11. 0015-литердаги бостирма биноси, қурилиш майдони — 14,58 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 1 600 969,77 сўм.***
12. 0016-литердаги бостирма биноси, қурилиш майдони — 11,19 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 1 228 728,31 сўм.***
13. 0017-литердаги насосхона биноси, қурилиш майдони — 168,08 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 27 867 993,09 сўм.***
14. 0019-литердаги товуқхона биноси, қурилиш майдони — 2399,94 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 371 873 046,55 сўм.***
15. 0020-литердаги товуқхона биноси, қурилиш майдони — 2399,94 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 371 873 046,55 сўм.***
16. 0029-литердаги товуқхона биноси, қурилиш майдони — 2399,94 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 371 873 046,55 сўм.***
17. 0030-литердаги товуқхона биноси, қурилиш майдони — 2520,26 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 388 791 397,37 сўм.***

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлардан ариза иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё минтақавий филиали «Асака» ДАТ (ОАЖ) банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефонлар: (8-367) 226-28-93, 226-38-91.

Лицензия: RR-0001.

1670R/773

• MEBEL
• LDSP
• POROLON
• SEMENT
• HAR XIL MIXLAR
• ELEKTROD
• REYKALAR
• IZOL

MEBEL VA QURILISH MATERIALLARI KENG ASSORTIMENTDA AFAYZ

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Тел.: 279-00-88.

1396R/

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

GidroSpetsKrovlya

наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:

ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ *собственного производства на стеклотканой основе.*

Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.

Тел.: 443-58-30, 103-00-86, 228-20-70, факс 248-69-00. 1547R/1299

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг жамоаси масъул ходим Б. А. Эргашевга падари бузруквори
Анвар ЭРГАШЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

“O`zbekiston” телерадиоканали ДУК жамоаси Маданий-маърифий ва бадиий-дам олиш дастурлар бош муҳарририяти катта муҳаррири Зебо Мирзаевага волидаи муҳтарамаси
ОЧИЛОЙ аянинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси профессори Фаттоҳ Мирзаевга рафиқаси
Закияхон НУҒМАНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ОМИХТА ЕМ	363,8	▼	-5,3	ШРОТ	299,2	▼	-14,2	ШЕЛУХА	123,1	▼	-5,0	ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460	3749,4	▼	-805,6	ПОЛИЭТИЛЕН I-0760	3352,8	▼	-220,7	ПОЛИЭТИЛЕН I-1561	3588,7	▼	-168,9
МАЗУТ	351,6	▲	+10,5	СУЮЛТ. ГАЗ	2359,1	▼	-450,4	КЎМИР(бпк)	40,3	▲	+1,0												

Интилиш

Гулистон шаҳрида тадбиркорликни ривожлантириш учун тўққиз ой мобайнида барча манбалар ҳисобидан 27 миллиард 102 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Аҳоли дастурхонига

Бу эса 2879 та иш ўрни яратиш имконини берди.

Хусусан, шаҳардаги “Ал Барака Суннат Файз” хусусий корхонасида банкдан олинган 24,5 миллион сўмлик кредит эвазига нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий технологиялар ўрнатилди. Эндиликда бу ерда кунига ярим тоннадан зиёд нон тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ этилаётир.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУС

даволашда самарали натижаларга эришиш имконини яратди

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 19 йиллик айёми кенг нишонланаётган шу кунларда Республика Онкология илмий маркази қошидаги Болалар онкологияси бўлимининг биноси тубдан таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда “Меҳр нури” жамғармаси ташаббуси билан реконструкция қилинди.

Тиббиёт

Шифо масканининг капитал таъмирлаш ишларидан сўнг очилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда тиббий хизмат сифати жаҳон андозалари даражасида юксалиб бораётганлигини алоҳида эътироф этишди. Дарҳақиқат, жойларда энг замонавий даволаш-ташхис ускуналари билан жиҳозланган шифо масканлари бунёд этилиб, хасталикка аниқ ташхис қўйиш ва даво муолажаларини қўллашда ижобий кўрсаткичларга эришилаётгани соҳа ривожига юксак эътибор қаратилаётганлиги натижасидир. Президентимизнинг жорий йил 28 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам ихтисослаштирилган марказларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техник ускуналар билан доимий жиҳозлаб бориш тизимни ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришга оид асосий йўналишлар сифатида белгиланган.

Маълумки, Республика Онкология илмий маркази эл соғлиғи муҳофазасини таъминлашга муносиб улуш қўшаётган шифо муассасаларидан ҳисобланади. Марказ мутахассислари тиббий профилактика жараёнлари, онкологик хасталикларни кечиктирмай аниқлаш ва ўз вақтида даво чораларини қўллаш борасида изчил изланишлар олиб бормоқдалар. Айниқса, шифо маскани қошида фаолият кўрсатаётган Болалар онкологияси бўлимида хавфли ўсмаларни аниқлаш ҳамда даволаш бўйича самарали илмий тадқиқот олиб бораётган ва мураккаб жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли қўллаётган малакали ходимлар кўпчилик эканлигини эътироф этиш жоиз.

— Аввалларига эски, тор бинода фаолият кўрсатганимиз боис беморларни жойлаштиришда муаммолар мавжуд эди, — дейди мазкур бўлим мудири Тожиддин Мустафоев. — Энди эса 50 ўринга мўлжалланган янги иншоот қуриб битказилгач, бу ерда болалар онкологик жарроҳлиги, реанимацияси ва тезкор терапия бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди. Икки қаватли ушбу бинода бемор болаларга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатилиши билан бир қаторда улар учун алоҳида ўйин заллари, ўқув-машғулот хоналари ҳам мавжуд. Қолаверса, янги бино “Меҳр нури” жамғармаси ҳомийлигида кимё терапияси, камералашган ва комплекс муолажалар учун қўл келадиган сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

МАДАНИЯТ *хабарлари*

Билим ва маҳорат кўриги

Андижон шаҳрида “Йил аёли” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Қизғин беллашувлар якунида Жалақудуқ туманидаги 1-мактабгача тарбия муассасаси мудири Муборакхон Исмоилова ғолиб деб топилди.

Энди у танловнинг республика босқичига боради.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кичкинтойлар учун туҳфа

Қорақалпоқ давлат қўғирчоқ театрида “Ботир қуён” деб номланган спектакль премьераси бўлиб ўтди.

Истеъдодли режиссёр М. Бегимов томонидан саҳналаштирилган мазкур асар ёш томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинаётир.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2011 ЙИЛ 19 НОЯБРДАН 2 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ–4377-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 18 ноябрдаги 71-сон буйруғи.*

2011 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2284 (2011 йил 10 декабрдан кучга киради).

2. «Энергетик корхоналар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2011 йил 25 октябрдаги 22, 11-сон қарори.*

2011 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1341-1 (2011 йил 10 декабрдан кучга киради).

3. «Юридик хизматларининг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, маълумотлар базасига киритиш учун маълумот тақдим этиш шакллари ва муддатларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 30 ноябрдаги 255-мҳ-сон буйруғи.*

2011 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2285 (2011 йил 10 декабрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ–4332-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ (рўйхат рақами 2246, 2011 йил 22 июль). *Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2011 йил 30 ноябрдаги 253-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ РЕСПУБЛИКА ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ЭКСПЕРТИЗА ИНСПЕКЦИЯСИ

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендер савдолари предмети — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тиббий-меҳнат экспертиза хизмати тиббий-меҳнат эксперт комиссияларини дастлабки ташхис ўтказиш учун зарур бўлган тиббий ва ёрдамчи асбоб-ускуналар (шу жумладан, офтальмологик асбоб-ускуналар)ни етказиб берувчиларни танлаб олиш.

Тендер қуйидаги лотлар бўйича ўтказилади:
— 1-лот: 14 дона уч каналли портатив электрокардиографи (интерпритация), 14 дона электрли периметри (кўриш майдонини аниқлаш ускунаси), 14 дона кўз рефракциясини аниқлаш линейкаси (тўплам), 14 дона коррекция учун оптик ойналар тўплами (кўзойнаклар линзалари тўплами, 226 дона), 14 дона кўриш ўткирлигини текшириш учун ускуна, 14 дона кўз тубини кўрадиган батарейкали ускуна.
— 2-лот: 14 дона кўз оралиғини кўрадиган шил чироғи ва 14 дона кўзнинг ички босимини ўлчайдиган алоқасиз индикатор тонометр.

Сотиб олинадиган товарларнинг энг юқори нархи:
— 1-лот бўйича — 348,1 млн. сўм;
— 2-лот бўйича — 187,9 млн. сўм.

Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси (кейинги ўринларда «ишчи орган»).
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100017, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, вазирлик ва идоралар маъмурий биноси. Телефонлар: (8-371) 239-88-21, 239-88-19. Факс: (8-371) 239-88-21, 239-88-22. E-mail: SUmarov@mf.uz
Тендер савдоларида иштирокчиларга қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинаётган маҳсулотларни етказиб бериш тажрибасига эга, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки ишлаб чиқарувчидан кафолат хатига эга бўлган маҳаллий ва хорижий фирма ҳамда мамлакатимиздаги кичик бизнес корхоналари қатнашиши мумкин.
Тендер бўйича харид қилинадиган асбоб-ускуналар бўйича тўловга оид шартлар ва бошқа масалалар, шунингдек, техник талаблар тендер ҳужжатида кўрсатиб ўтилган.
Маҳсулотларни етказиб бериш етказиб берувчининг ҳисобига дастлабки тўлов тушган вақтдан 30 банк кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тендер таклифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

Тендер таклифлари 2012 йил 10 январь куни соат 16.00 гача қабул қилинади.

Тендер таклифлари қуйидаги манзилда очилади: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, вазирлик ва идоралар маъмурий биноси.
Закалат суммаси ҳар бир лот бўйича белгиланган энг юқори нархнинг 2,5 фоиз миқдорини ташкил этади.
Тендер ҳужжатларининг нархи — 350 минг сўм. Тендер ҳужжатларини олиш учун юқоридаги манзилга мурожаат қилиш лозим.

1665R/1083

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ Самарқанд филиали

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиали савдолар залида 2011 йил 26 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объектлар қайтадан қўйилганлигини маълум қилади:

I. Суд ижрочилари Пайариқ тумани бўлими томонидан савдога қўйилган Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2011 йил 27 июлдаги 14-1104/8252-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Пайариқ транс қурилиш» МЧЖга тегишли бўлган, Пайариқ тумани, Гўзал маҳалласи, Мустақиллик кўчасида жойлашган маъмурий бино, 40 та хонадан иборат, умумий ер майдони — 9790,0 кв.м., фойдаланиш майдони — 1690,68 кв.м., яшаш майдони — 1600,55 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.

II. ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор (Собир Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган:

1. «Жасурбек» ХИЧСТФга тегишли, Самарқанд шаҳри, Фарҳод қўрғонида жойлашган омборхона биноси. Омборхона (1144,94 кв.м.), айвон (802,50 кв.м.).

Бошланғич баҳоси — 460 590 000 сўм.

2. «Жаҳон-жон» ХИЧСТ фирмасига тегишли, Самарқанд шаҳри, Фарҳод қўрғонида жойлашган автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси (АСГКШ). Қурилиш ости майдони — 1236,63 кв.м., фойдали майдони — 827,03 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 426 998 000 сўм.

3. «Жаҳон-жон» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 3-уйда жойлашган автошохбекат. Қурилиш ости майдони — 467,0 кв.м., фойдали майдони — 679,56 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 276 934 000 сўм.

4. «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, Самарқанд шаҳри, Сўғдиёна масканида жойлашган «Истироҳат боғи» ҳудудидаги чойхона биноси. Қурилиш ости майдони — 461,8 кв.м., фойдали майдони — 295,46 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 245 766 000 сўм.

5. «JOZIBA DSHA» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Ипак йўли кўчасида жойлашган савдо расталари. Умумий ер майдони — 1305,27 кв.м., қурилиш майдони — 789,28 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 107 120 000 сўм.

6. «JOZIBA DSHA» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Ипак йўли кўчасида жойлашган офис биноси. Умумий ер майдони — 676,45 кв.м., қурилиш майдони — 166,69 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 136 000 000 сўм.

7. «JOZIBA DSHA» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Ипак йўли кўчасида жойлашган кафе биноси. Умумий ер майдони — 834,2 кв.м., қурилиш майдони — 580,89 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 70 813 580 сўм.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиали ҳ/р: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Маълумот учун манзил: Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 3-уй, 2-қават. Телефон: (8-366) 234-06-38.

Лицензия: RR-0017.

1662R/1192

● Реклама ва эълонлар ●

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2010 йил 1 мартдаги 1-1055/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино-2 мавзеси, 13-уй, 16-хонадон манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 45,49 кв.м., яшаш майдони 29,13 кв.м. бўлган 2 хонали уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 15 000 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2010 йил 31 майдаги 6919-20/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Шерозий кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 627 кв.м. бўлган 3 хонали уй қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 74 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 13 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 11 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

Лицензия: RR-0001.

1669R/773

КЕНГ ТУРДАГИ НАСОС УСКУНАЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

GRUNDFOSHИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси,
100015, Тошкент ш., Ойбек к., 38-«А» уй
Тел.: (+998 71) 150-32-90,
(+998 71) 150-32-91,
(+998 71) 150-32-92.
E-mail: uzbekistan@grundfos.com
Web: www.grundfos.uz

- КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ
- СЕРВИС ХИЗМАТИ
- МАСЛАҲАТЛАР

BE > THINK > INNOVATE >

GRUNDFOS

7008/820

«Farg'ona charm polimer» МЧЖ

ўзи ишлаб чиқарган қуйидаги маҳсулотларни сотади:

- ҳар хил турдаги қурилиш линолеумлари;
- ПВХдан бўлган қопламалар;
- ПВХдан турли плёнкалар;
- пойабзал, чарм-атторлик, мебель ва автомобиль учун турли сунъий чармлар.

Маҳсулот сертификатланган.

Манзил: Фарғона шаҳри, Химиклар кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-373) 222-37-91.
Факс: (8-373) 222-37-78. Моб.: (+99897) 782-25-64.
E-mail: charm_polimer@mail.ru, kazimov62@mail.ru

150R/132

“ГАЗ” РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР ВА МАХСУС ТЕХНИКАЛАР

ТЕЛ.: 235 93 53
111 35 24, 102 96 00
E-mail:
transneft66@mail.ru
web: gazel-tnk.uz

Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км

TNK Transneftkomplekt

ООО “Коммерческие автомобили - Группа ГАЗ” расмий дилери “Transneftkomplekt” ташкилоти

Улгуржи харидларга ЧЕГИРМАЛАР!
Буюртма асосида

7250/835

ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 199,5 ▲ +3,2 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 188,5 ▲ +1,5 | АРМАТУРА 3668,4 ▲ +36,0 | ШИФЕР (1 лист) 14159 ▲ +195 | АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5